



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" yanvar

К-50 -son

Termiz sh.

**Музработ тумани Х.Бердиқобилов массиви  
худудидан "MUZRABOT ESSE" МЧЖга  
"Цемент заводи" куриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 19 январдаги 03-02/41-сон йиғилиш баёни, Музработ тумани ҳокимининг 2021 йил 11 январдаги 01-05/12-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Музработ тумани Х.Бердиқобилов массиви худудидан "MUZRABOT ESSE" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 261-дала контурларидаги жами 2,0 гектар, шундан 1,6 гектар яйлов ва 0,4 гектар бошқа ер майдонлари "Цемент заводи" куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "MUZRABOT ESSE" МЧЖ 1,6 гектар яйлов ер майдони "Цемент заводи" куриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 20 813 760 (йигирма миллион саккиз юз ўн уч минг етти юз олтиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари**



**Ф.Маманов**